



A. X. Адҳамов*

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ички ишлар органлари томонидан жиноятларни олдини олишнинг назарий жиҳатлари, унинг концепцияси ва ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган тезкор-қидирув профилактикага оид илмий қарашлари ёритилган.

Таянч тушунчалар: тезкор-қидирув фаолияти, жиноятни олдини олиш, жиноятнинг профилактикаси, тезкор-қидирув профилактика.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ ПРИ БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Аннотация: В статье изложены научные концепции, понятие профилактики преступности, ее виды и научные взгляды на оперативно-профилактическую работу, которая должна проводиться в рамках профилактики преступлений оперативными подразделениями органов внутренних дел.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, профилактика преступлений, профилактика преступлений, оперативно-розыскная профилактика.

THEORETICAL ASPECTS OF CRIME PREVENTION WHEN FIGHTING CRIME OF INTERNAL AFFAIRS BODIES

Abstract: The article outlines scientific concepts, the concept of crime prevention, its types and scientific views on operational preventive work, which should be carried out as part of crime prevention by operational units of internal affairs bodies.

Key words: operational investigative activity, crime prevention, crime prevention, operational investigative prevention. Мамлакатимизда сўнгтги йилларда ўтказилган ислоҳотлар натижасида жиноятларнинг барваҳт олдини олиш ва хуқуқбузарликларга қарши курашишда янги иш услублари татбиқ қилиниб, аҳоли ва жамоатчилик билан узвий мулоқот йўлга қўйилди, ушбу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди .

Жиноятларни олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларини бартараф этиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масалаларидан бири ҳисобланиб келинган. Жамиятда инсон тинч ва хотиржам яшашни хоҳлади. Тинчлик бўлган жойда эса албатта барака ва ривожланиш бўлади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги мақсадлари аниқ ва равшан

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими.

баён этилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишиларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида ургу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган.

“Тезкор-қидибув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4 моддасида жиноятларнинг олдини олиш тезкор-қидибув фаолиятини тезкор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу муаммони ҳал етиш тадқиқотга бўлган илмий қизиқишини белгилайди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш мустақил илмий муаммо сифатида XX асрнинг 60-йиллари бошларида вужудга келди. Жиноятчиликнинг олдини олиш деганда нимани тушунасиз.

Жиноятларни олдини олишни ўрганувчи криминология фани ҳали жамиятни жиноятчиликдан ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятни тушунтирувчи ягона тушунчани ишлаб чиқмаган. Масалан, жиноятларни олдини олиш бўйича қуйидаги атамаларнинг турлича тушунчалари мавжуд: “олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “тўхтатиш” булат умуман жиноятчиликка нисбатан ҳам ёки аниқ жиноятларга нисбатан ҳам кўлланилади.

Кўриб чиқилаётган мавзунинг мунозарали жиҳатлардан бири бу; жиноятларни “жиноятларни олдини олиш”, “жиноятларнинг тезкор-қидибув профилактикаси” ва “жиноятларни ўз вақтида тўхтатиш” тушунчаларининг бирбирига нисбатидир.

Мазкур тушунчага ойдинлик киритиш учун юридик адабиётларга, шунингдек, олимлар томонидан ўтказилган илмий изланишларга мурожаат қиласиган бўлсак, хуқуқшунос олим А.Г. Лекарь жиноятларни “жиноятларни олдини олиш” атамаси жиноятларнинг тезкор-қидибув профилактикаси ёки жиноятларни тўхтатиш билан боғлиқ тушунчаларнинг умумий номланиши деб ҳисоблайди¹.

А.Г.Лекар ва Д.В.Гребелскийларнинг фикрича: мукаммал тушунча сифатида қабул қилинган жиноятларни олдини олиш тушунчаси ўзига қуйидаги “профилактика”, “огоҳлантириш” ва “тўхтатиш” тушунчаларини мужассам этади деб ҳисоблайдилар ва ўз навбатида профилактика икки турга яъни умумий ва якка турдаги профилактикага бўлинади деган фикрларни илгари суришган. Улар жиноятларни олдини олишда “огоҳлантириш” деб жиноятни содир этишни ният қилган шахслар аниқлаш ва бундай шахсларнинг ўз ниятларини рўёбга чиқаришга йўл қўймаслик бўйича тезкор ва аниқ чораларини қабул қилишни назарда тутганлар². Айрим манбаларда А.Г.Лекар жиноятни “олдини олиш” тушунчаси бу шахсга нисбатан тарбиявий таъсир чораларни кўриш деб ҳам фикр билдирган³

Бизнинг фикримизча, жиноятларни олдини олиш фаолиятининг мазмунини

¹ Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. – М., 1972. – С.103.

² Харевич Д.Л. Место оперативно-розыскного предупреждения в системе предупреждения преступности // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. – 2020. – № 2. – С.96

³ Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. – М., 1972. – С.3.

фарқлаш: биринчидан, жиноятларни содир этилишига олиб келувчи сабабларни ва уларни содир этишга қўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган бўлиб, уни жиноятчиликнинг олдини олиш; иккинчидан, жиноят содир этишни ният қилган шахсларни аниқлаш ва унинг режаларни жиноий ҳаракатларга айлантиришга йўл қўймаслик бўйича чораларини кўриш - бу жиноятнинг олдини олиш; учинчидан, жиноят содир этишга тайёргарлик кўраётган шахсларни аниқлаш ва уларни тайёргарлик ҳаракатларини ривожланишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим.

Айни пайтда, бир қатор муаллифлар ушбу атамаларни фарқлашга, уларни жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг турли даражалари, йўналишлари ва турлари билан боғлашга ҳаракат қилганлар.

Мисол учун Г.А.Аванесовнинг фикрига кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш ўз ичига, “профилактика” ва “тўхтатиш”ни олади. “Жиноятчиликни олдини олиш” тушунчаси бу жиноятни бартараф этишнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари, шунингдек, уни бартараф этишга қаратилган давлат ва жамиятнинг мақсадли чора-тадбирлари мажмуи деб ҳисоблайди⁴.

М.Н. Голоднюк ва В.И. Зубковларнинг фикрига кўра, бу тушунчаларнинг фарқланиши асосиз деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича “жиноятларни олдини олиш” тушунчаси бирор ҳодисадан огоҳлантириш ёки бирор нарсани ҳимоя қилувчи чора-тадбирлар мажмуини англаради; “жиноятларнинг тезкор профилактикаси” эса, бирор нарсани зудликда ҳимоя қилиш ёки ҳимоя қилишга оид чоралар кўриш, огоҳлантириш демақдир. Огоҳлантириш, олдини олиш, кўрилган чоралар билан содир бўлган нарсадан олдин бирор ҳаракат қилиш демақдир. “профилактика” атамаси юононча “profilaktikos”, яъни “ҳимоя” сўзидан келиб чиқсан. Бошқача айтганда, бу терминлар, аслида, “олдини олиш”нинг асосий тушунчаси орқали тушунтирилади, яъни уларнинг барчаси бир-бирининг ўрнини босади.⁵

Ўтказилган тадқиқотлар, таҳлиллар натижаларини ҳамда юқорида берилган олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, бизнинг фикримизча жиноятларни олдини олишнинг 4 та тури мавжуд. булар

- 1) жиноятларнинг профилактикаси;
- 2) жиноятларни бартараф этиш;
- 3) жиноятларни тўхтатиш;
- 4) жиноят содир этган шахсни тарбиялаш.

Ушбу жиноятчиликни олдини олишнинг хар бири турига алоҳида тушунчалар берадиган бўлсак:

⁴ Аванесов Г.А. Криминология. – М., 1984. – С.339.

⁵ Харевич Д.Л. Место оперативно-розыскного предупреждения в системе предупреждения преступности // Вестник Академии МВД Республики Беларусь. – 2020. – № 2. – С.97.

Жиноятларнинг профилактикаси – бу, жиноятчилик сабаблари ва унга таъсир етувчи шарт-шароитларга таъсир кўрсатади. Бу жиноятга қарши курашишнинг энг муҳим тури ҳисобланади, чунки у жиноятларни содир этишга сабаб бўлувчи криминоген омилларга бевосита таъсир этишни назарда тутади. Шу билан бирга, бу жиноятчиликка қарши курашнинг энг инсонпарвар усули ҳамдир, чунки кўп ҳолларда у жиноят йўлига киришга қодир шахсларга жиноий-хуқуқий таъсир кўрсатишни назарда тутмайди. Бу, хуллас, жиноятчиликка қарши курашда умумий йўналиш бўлиб, давлат ва жамият тўла қўллаб-куватлаши ва ривожланиши керак бўлган йўналишдир.

Жиноятни олдини олишнинг навбатдаги тури – жиноятларни бартараф этиш, яъни уларни режалаштириш ва тайёрлаш босқичида жиноятларнинг содир этилишига йўл қўймаслик. Бундай ҳолларда жиноятни режалаштираётган шахсларга нисбатан жиноий-хуқуқий чоралари анча кўп қўлланилмоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг яна бир йўналиши - содир этилган жиноятларни тўхтатиш, яъни кейинги жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишдир. Одатда, жиноятларнинг олдини олишни тўхтатиш чораларини қўллашда уларни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноятларнинг олдини олишнинг мустақил йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, бу жиноят содир этиб жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни “тузалиш” йўлига кириш мақсадида кўриладиган чора тадбирлардир.

Жиноятни барвақт олдини олиш жиноий хулқ-атворга олиб келиши мумкин бўлган ташки шароитларни ўзgartиришга қаратилган бўлади. Масалан, ўсмир улғайса ва дисфункционал оиласда тарбия топса, жиноятни барвақт олдини олиш унда жиноятчи шахс қиёфасини шаклланиши мумкин бўлган шароитларга таъсир кўрсатишга уринишдан иборат бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш қаратилган ҳаракатлар мажмуини мисолда тушунирадиган бўлсак, айтайлик, болани 3-5 ёшида унинг ота-оналарни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва уни болалар муассасасига жойлаштириш орқали жиноятни мутлақо барвақт олдини олиш деб аташ мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноятчиликнинг олдини олиш-бу ижтимоий бошқарувнинг ўзига хос тури бўлиб, унинг мақсади жиноий хатти-ҳаракатлар эҳтимолини камайтиришдир, бунинг учун олдини олишни амалга оширувчи субъектнинг ҳуқуқий таъсир чораларини (шу жумладан мажбурий) қўллашидир.